

2025 йил 26-август

Чирчиқ кимё-индустриал технопаркида учта янги резидент корхонанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди



Давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Чирчиқ кимё-индустриал технопаркида учта янги резидент компания - "LYUDI I CIFRI", "ТЕГ" ва "ЮТА" МЧЖ ҚҚларининг ишлаб чиқариш мажмуалари тантанали равишда очилди.



Маросимда Чирчиқ шаҳри ҳокими Муроджон Абдурахимов, "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Евгений Коржиков, "Химград" технополиси вакиллари ҳамда ОАВ иштирок этди.



Та'кидлаш лозимки, ушбу лойиҳалар мамлакатимиз ички бозори эҳтиёжларини қондириш, экспорт салоҳиятини ошириш, саноат тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

"LYUDI I CIFRI" МЧЖ ҚҚ — чакана савдо учун стеллажлар ва тегишли ускуналар ишлаб чиқаради.

"ТЕГ" МЧЖ ҚҚ — темирйўл тармоғи учун микропроцессорли марказлаштириш тизимлари, шунингдек, автоматлаштириш ва телемеханика қурилмаларини ишлаб чиқаради.



"ЮТА" МЧЖ ҚҚ — автомобил кондиционер тизимлари учун шланглар ва қувурлар ишлаб чиқарувчи корхона.



Ишлаб чиқариш қувватлари Европанинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Таъкидлаш жоиз, ушбу лойиҳалар доирасида 250 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.



Uzkimyo sanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI



uzkimyo sanoat



uzkimyo sanoat.uz



(+99878) 140-74-26




Uzkimyo sanoat

"O'zkimyo sanoat" A.J.
MATBUOT XIZMATI

  uzkimyo.sanoat.uz

  uzkimyo.sanoat.uz

 (+99878) 140-74-26



“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/chirchiq-kimyo-industrial-tehnoparkida-uchta-yangi-rezident->